O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
19 NOYABR
SESHANBA
№ 142 (27.001)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 ноябрь куни Оқсаройда Қозоғистон Парламенти Мажлиси Раиси Жармахон Туёқбой, Қирғизистон Жоқоргу Кенешининг Қонунчилик Йиғини Тўрағаси Абдуғани Эркабоев ҳамда Халқ Вакиллари Йиғини Раисининг ўринбосари Сооронбой Жээнбеков, Тожикистон Мажлиси Олийсининг Мажлиси Миллийси Раиси Маҳмадсаид Убайдуллоев ҳамда Вакиллар Мажлиси Раиси Сайдулло Хайруллоевни қабул қилди.

Қўшни давлатлар парламентлари раҳбарлари «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг парламент саммитида қатнашиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган. Таъкидламоқ жоизки, минтақа мамлакатлари раҳбарларининг учрашувларида бундай йиғинни ташкил этиш ҳақида кўп гапирилган, лекин ғояни бевосита ҳаётга жорий қилишда силжиш бўлмай келаётганди. Шу йил 5-6 октябрь кунлари Душанбеда ўтказилган сўнгги саммитда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда парламентлар вакилларининг анжуманини ташкил этишга келишиб олинди.

Ислом Каримов меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутларкан, мазкур учрашув нафақат «Марказий Осиё ҳамкорлиги»га аъзо мамлакатлар, балки минтақамизнинг барча давлатлари учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

— Парламентлар раҳбарлари бир даврага йиғилганининг ўзи катта гап, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Қолаверса, бундай анжуманга эҳтиёж ҳам катта эди.

Мамлакат ҳаётида парламент муҳим ўрин тутади. Шу чоққача гоҳ у, гоҳ бу мамлакатда неча бор олий даражадаги минтақавий анжуманлар ўтказилди. Лекин парламентлар раҳбарларининг бир даврага йиғилганини эслолмаймиз. Ваҳоланки, минтақада иқтисодий интеграция, сиёсий, ижтимоий, маданий, илмий ва кўплаб бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришда қонун чиқарувчи органларнинг аҳамияти жуда катта. Уларнинг яқин ҳамкорлиги ҳар қандай жабҳадаги алоқалар самарадорлигини ошириши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Учрашувда Марказий Осиёда интеграция жараёнларини ривожлантириш, кўп томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, парламентлараро алоқаларни равнақ топтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

✧✧✧

Суратда: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг биринчи учрашуви қатнашчиларига

Қадрли дўстлар!

Сизларни давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар, минтақада кўп қиррали интеграция жараёнларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тарихида янги саҳифа очаётган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг биринчи учрашуви муносабати билан чин юракдан қутлаймиз!

МОҲга аъзо мамлакатлар парламентлараро ҳамкорлигининг янада кенгайиши давлатларимизнинг ташқи сиёсий устуворликларига, ўзаро келишувларга, умумий тарихий илдизлар, анъаналар, маданиятга эга тўрт қардош халқ манфаатлари ва умидларига тўла мос келади.

МОҲга аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг бундай нуфузли анжуманининг ўтказилиши ўзаро манфаатли алоқалар жадал ривожланиб бораётгани ва давлатлараро муносабатларнинг минтақада тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган янги-янги шаклларини мунтазам излаб топишга бўлган интилишдан далолат беради.

Мамлакатларимизда парламентаризмнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари мураккаб ва ўзига хос тарихий шароитда, халқларнинг озодлик, демократия ва инсон ҳуқуқлари учун кураши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди. Марказий Осиё халқлари мутафаккирларини асрлар давомида ўйлантириб келган халқ ҳокимияти ғоялари фақат давлат мустақиллигига эришилгандан кейингина амалга ошди. МОҲга аъзо мамлакатлар қонунчилик ҳокимиятининг олий органлари қисқа тарихий даврда расмий вакилликдан ҳақиқий парламентаризмгача бўлган йўлни босиб ўтди.

Бугунги кунда парламент давлатнинг энг муҳим институтларидан бири сифатида жамиятни демократия ва қонун устуворлиги тамойиллари асосида ислоҳ этишда улкан аҳамият касб этмоқда. Мустақил ривожланиш йилларида қабул қилинган қонун ҳужжатлари давлатларимиз суверенитети ва янги жамият қурилишининг мустаҳкам ҳуқуқий кафолатига айланди.

Ҳозир барча муҳим давлат масалалари турли сиёсий кучлар ва аҳолининг ижтимоий қатламлари вакилларидан иборат парламент орқали ҳал этилмоқда. Ҳақиқий парламентаризм қонунчилик ҳокимиятининг олий органидаги ўз вакиллари орқали давлатни бошқаришда амалда иштирок этиш имкониятисиз чинакам халқ ҳокимияти бўла олмаслиги тўғрисидаги шубҳасиз ҳақиқат фуқаролар онгида узил-кесил қарор топди.

Биз мамлакатларимиз парламентлари вакилларини ўзаро манфаатли масалалар, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти доирасида қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши мониторинги бўйича парламентлараро алоқаларни фаоллаштиришга даъват этамиз.

Умид қиламизки, парламент фаолиятига оид мамлакатларимизда орттирилган амалий тажрибаларни биргаликда мушоҳада этиш ютуқ ва камчиликларни яхшироқ кўриш, қонун яратиш фаолиятининг янги шакл ва услубларини эгаллаш ҳамда қонунчилик ҳокимиятининг олий органлари ривожидаги замонавий йўналишларни аниқ кузатиб бориш имконини беради.

Сизларга халқларимиз фаровонлиги ва давлатларимиз равнақи йўлидаги ишларингизда юксак самара, парламентга оид фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз!

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси Президенти А. АКАЕВ

Тожикистон Республикаси Президенти И. РАҲМОНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг НАТО – Евроатлантика Ҳамкорлик Кенгаши саммитидаги иштирокига доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2002 йил 21-22 ноябрь кунлари Прага шаҳрида бўладиган НАТО-Евроатлантика Ҳамкорлик Кенгаши саммити ишида иштирок этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Банк-молия соҳасидаги тадқиқотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика молия-банк тизимини ривожлантириш тенденциялари ва қонуниятларини чуқур ўрганиш, молия ва банк тизимининг ривожлантирилишини янада ислоҳ қилинишини ва эркинлаштирилишини прогнозлашнинг мустаҳкам илмий-методологик базасини яратиш, мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг асосий устуворликларини ва мақсадли вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган пул-кредит сиёсатини шакллантиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Ўзбекистон банклар уюшмасининг Банк-молия тизимини ривожлантириш ва эркинлаштиришни прогнозлаш институтини (кейинги ўринларда Институт деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика банк-молия тизими ривожланишининг ҳозирги ҳолатини чуқур изчил таҳлил қилиш, банк-молия тузилмалари фаолиятининг жаҳон тажрибасини ўрганиш ва шу асосда банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, банк қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

банк-молия тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг макроиқтисодий ва бюджет сиёсати билан ўзаро узвий мувофиқлаштирилган, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг мақсадли вазифаларига ва устувор йўналишларига, мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг қабул қилинган комплекс дастурларига мувофиқ бўлган стратегиясини ишлаб чиқишда қатнашиш;

пул-кредит муносабатларининг ривожланиш тенденцияларини ва пул муомаласи механизмини чуқур ўрганиш, пул агрегатларини макроиқтисодий кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш, пул массаси ўсишини чеклаш, банкдан ташқари айланмани қисқартириш, пул тизимини мустаҳкамлаш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш ва унинг харид қувватини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш, пул айланмасидаги нақд ва нақдсиз пул массасининг мақбул нисбатини аниқлаш;

қисқа муддатли ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган асосий монитар кўрсаткичларнинг прогноз параметрларини асослаш;

ички валюта бозорининг ривожланиш тенденцияларини, банклараро валюта савдоларини ташкил этиш механизмини ўрганиш, алмаштириш курслари ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил қилиш, валюта сиёсатини янада эркинлаштириш ва алмаштириш курсларини бирхиллаштириш, банклараро валюта бозорини ривожлантириш, давлат валюта ресурсларидан самарали фойдаланиш, олтин-валюта заҳираларининг барқарор кўпайишини таъминлаш бўйича таклифларни асослаш;

таҳлил асосида республиканинг икки босқичли банк ва молия тизимларини янада такомиллаштириш, тижорат банклари ва молия институтлари фаолиятининг мустақиллиги ва барқарорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

халқаро молия-банк тизимининг ривожланиш тенденциялари мониторингини амалга ошириш, жаҳон молия оқимлари динамикаси ва йўналишларини таҳлил қилиш, республика молия-банк тизимини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда уни жаҳон молия тизимига интеграциялаш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Институт Республика банк кенгашининг ишчи органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ҳисоб беради.

4. Институтнинг ходимлари чекланган сони 32 нафардан иборат бўлган (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) тузилмаси тасдиқлансин.

(Давоми 2-бетда)

МОҲГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ПАРЛАМЕНТЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

18 ноябрь куни Тошкентда «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг биринчи учрашуви ўтказилди. Анжуманда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон олий қонунчилик ҳокимияти органлари раҳбарлари, мазкур мамлакатлар парламентлари қўмиталари ва аппаратлари вакиллари иштирок этди.

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон президентларининг учрашув қатнашчиларига табригини Олий Мажлис Раиси Э.Халилов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Ж.Туёқбой, Қирғизистон Республикаси Жоқоргу Кенеши Қонунчилик Йиғини Тўрағаси А.Эркебаев, Тожикистон Республикаси Мажлиси Олийсининг Мажлиси Миллийси Раиси М.Убайдуллоев ўз мамлакатларида парламентаризмнинг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида маъруза қилди. Парламентлар раҳбарлари қисқа тарихий даврда Марказий Осиёнинг ёш давлатларидаги қонунчилик ҳокимияти расмий вакилликдан ҳақиқий парламентаризмгача бўлган улкан йўлни босиб ўтганлигини таъкидлади. Давлат мустақиллигига эришиш миллий парламентларга халқ ҳокимиятчилигининг энг муҳим институтларидан бирига айланиш имконини берди. Мустақил ривожланиш йилларида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари Марказий Осиёнинг суверен давлатларида янги жамият қурилишининг мустаҳкам ҳуқуқий кафолатига айланди.

Учрашувда «МОҲга аъзо мамлакатларнинг парламентлараро ҳамкорлиги: воқелик ва истиқбол» масаласи бўйича Қирғизистон Республикаси Жоқоргу Кенеши Халқ Вакиллари Йиғини Тўрағаси ўринбосари С.Жээнбеков, Тожикистон Республикаси Мажлиси Олийси Мажлиси Намояндагонининг Энергетика, саноат, қурилиш ва коммуникация қўмитаси раиси Й.Аҳмедов, Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов сўзга чиқди. Таъкидландики, МОҲга аъзо мамлакатлар парламентлараро ҳамкорлиги ҳаётий зарурат бўлиб, давлатлараро муносабатларнинг анчадан бери қўлланилаётган шаклидир. Ёш давлатлар мустақил ривожи ҳақида муайян хулосалар чиқариш имконияти мавжуд бўлган ҳозирги вақтда мамлакатларимиз олий қонунчилик ҳокимияти органлари тажрибасини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу тажрибаларни умумлаштириш ва таҳлил этиш асосида миллий парламентаризм институтларини ҳамда уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги амалий ролини кучайтириш масалаларини ҳал этиш осонроқ бўлади.

Учрашувда парламентлараро ҳамкорлик институти — МОҲга аъзо мамлакатлар парламентлари вакиллари Кенгашини тузиш тўғрисида келишиб олинди. Парламентлараро ҳамкорликнинг парламент фаолиятига оид ахборот алмашув, палаталар, қўмиталар ва комиссиялар раҳбарлари, олий қонунчилик ҳокимияти органлари аппаратлари масъул ходимлари учрашувлари каби шаклларини ривожлантириш тўғрисида таклифлар билдирилди.

Муҳокама чоғида тўрт қардош давлат қонун чиқарувчилари парламентлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлларини кўриб чиқди. Учрашув қатнашчилари МОҲга аъзо мамлакатлар парламентлари ҳамкорлиги халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги дўстликни, Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили, деган якдил фикрга келди.

ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон эришган энг муҳим ютуқлардан бири — мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси бўлганидир. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида ўтган давр мобайнида дунёнинг кўплаб давлатлари билан дипломатик муносабатларни самарали йўлга қўйди.

Ҳозир хорижий мамлакатларда давлатимизнинг 27 элчихона ва 9 консуллик идораси ишлаб турибди. Биргина жорий йил давомида жаҳоннинг икки етакчи давлати — Америка Қўшма Штатлари ва Япония билан ўзаро стратегик шериклик расмийлаштирилгани, шак-шубҳасиз, ташқи сиёсатимизнинг улкан ютуғи бўлди.

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорлиги алоҳида ўрин тутади. Юртимизнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқалари ҳам изчил ва ўзаро манфаатли асосларда ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комиловнинг мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, халқаро ва сиёсий мавзуларда қалам тебратувчи журналистлар билан учрашувида шу ҳақда сўз борди. Давлатимизнинг ташқи сиёсий фаолиятини, шунингдек, халқаро воқеа-ҳодисаларни оммавий ахборот воситаларида тезкорлик билан, очиқ ва ошкора, тўғри ва холис ёритиш масалаларига эътибор қаратилди.

Ташқи сиёсат ва халқаро аҳволни ёритиш ҳар бир сўз, ибора ва жумланинг тўғри ва асосли ишлатилишини тақозо этади. Зеро, мазкур соҳа мавзулари сирасига шундай нозик масалалар кирадики, бунда журналистнинг ва умуман, матбуот, радио, телевидениенинг бир қарашда арзимасдек туюладиган хатоси, ножоиз хатти-ҳаракати аслида муайян дипломатик муносабатларга салбий таъсир кўрсатишгача бўлган жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шундай экан, оммавий ахборот воситалари муайян воқеа-ҳодиса ҳақида хабар беришда, шарҳлаш ва таҳлил этишда, аввало, миллий манфаатларимиз талабларидан келиб чиқиб, мавжуд ҳуқуқий негиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, мамлакатимиз парламенти ратификация қилган халқаро шартномаларга амал қилиши, касб одоб-ахлоқи доирасида фаолият юритиши зарурлиги таъкидланди.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган мулоқотда, шунингдек, мамлакатимизда халқаро мавзуга ихтисослашган журналистларни тайёрлаш истиқболлари хусусида гап борди. Бунда Ташқи ишлар вазирлиги билан оммавий ахборот воситаларининг яқин ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев иштирок этди.

■ (ЎзА)

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

БОЗОР, ТОВАР, БАНК – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛЛАРИ

Кечаги ҳафтанинг муҳим воқеалари орасида асосан иккита ҳужжат ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимиз фуқаролари диққатини тортди. Бири — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори бўлди.

Бундан кутилган асосий мақсад — мамлакатимизнинг истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи барча турдаги корхоналарида юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг замонавий ассортиментларини кенгайтиришни бозор иқтисодиёти шароитлари ҳамда талабларига мослаб рағбатлантириб боришдир. Қолаверса, мазкур қарор ички истеъмол бозорини эҳтиёжталаб маҳсулотлар билан тўлдириш ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан савдо ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизмини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Чунончи, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар энди (2003 йил бошидан то 2007 йилнинг охирига қадар) ишлаб чиқаришдан олган даромадларига кўра даромад солиғини амалдаги ставкадан 20 фоиз камайтирилган ставка билан тўлайдиган бўлдилар. Болалар учун товарлар ишлаб чиқараётган корхоналар эса бу солиқ бўйича 7 фоизли ставка билан чекланишади. Лекин, бу ерда шуни унутмаслик керакки, болалар учун товарлар гуруҳига киритувчи товарлар — Вазирлар Маҳкамасининг (1999 йил, 14 июль, 327-ф) фармойиши ва Статистика давлат департаментининг саноат маҳсулоти (1997 йил, 17 июль 8-1/3-8) номенклатурасига оид тушунтиришларга кўра аниқланади.

Қарорда кўзда тутилганидек, микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳам олинган тушумларидан ягона солиқни илгари амал қилиб келинган ставкадан 25 фоизга камайтирилган ставка бўйича тўлаши, шубҳасиз, тизим ривожига катта туртки беради.

Божхона тўловлари, ер солиғи, мулк солиғи, валюта тушуми билан боғлиқ қатор молиявий енгиллик ҳамда қулайликлар тармоқда 2003-2005 йилларда сезиларли сакрашлар ясаши турган гап. Чунки, бўшаган маблағлар корхоналар томонидан фақат ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришга, истеъмол товарлари ассортиментини кенгайтиришга ва маҳсулот сифати ҳамда рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилади.

Бу дегани, бозор — истеъмол товарлари билан бойиб, маҳсулотларнинг танлов мундарижаси кўпаяди ва ўз-ўзидан товарлар нархи (аҳолининг харид қобилиятига мос даражада) пасайишига олиб боради.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Банк-молия соҳасидаги тадқиқотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Республика банк кенгашига, зарурат бўлганда, Институтнинг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

Институт директори мақоми, моддий ва маиший таъминот шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосарига тенглаштирилсин.

5. Республика банк кенгаши:

икки ҳафта муддатда Банк-молия тизимини ривожлантириш ва эркинлаштиришни прогнозлаш институти тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Институтда ишлаш ва тадқиқотлар ўтказиш учун юқори малакали илмий ходимларни, молия ва банк соҳаларидаги миллий ва халқаро экспертларни жалб этиш чора-тадбирларини кўрсин;

Институтга халқаро молия ташкилотлари, хорижий жамғармалар ва бошқа манбалар грантларини жалб этишда кўмаклашсин.

6. Институтга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Институт ходимлари ва жалб этиладиган экспертлар, илмий ходимлар ҳамда мутахассислардан, шу жумладан хорижий мутахассислардан вақтинчалик ишчи гуруҳлар тузиш йўли билан тадқиқотлар ўтказиш;

тадқиқотларга давлат бошқарув органлари, идоралар, тижорат банклари ва бошқа молия муассасалари мутахассисларини, тадқиқот марказлари ходимларини, олий ўқув юртлари олимлари ва ўқитувчиларини контракт асосида жалб этиш;

халқаро ташкилотлар, хорижий молия муассасалари, жамғармалар, университетлар ва тадқиқот марказлари билан тадқиқотлар ва биргаликдаги ишларни амалга ошириш юзасидан шартномалар тузиш;

Институт ходимларини ва тадқиқотлар учун жалб қилинаётган мутахассислар ва экспертларни хорижий тадқиқот марказлари ва университетларга тажриба орттиришга ва ўқишга юбориш;

ноширлик фаолиятини амалга ошириш, молия ва банк секторларини ривожлантириш муаммолари бўйича ахборот-таҳлилий обзорларни ва маърузаларни чиқариш;

марказий иқтисодий органлар, вазирликлар, идоралар, банклар ва бошқа ташкилотлардан Институтга юкланган вазифалар доирасида зарур норматив, статистик ва таҳлилий ахборотларни сўраш ва олиш.

7. Институт:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Олий Мажлис материаллари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг норматив ва йўриқнома ҳужжатлари мажбурий тартибда юбориладиган ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, бошқа вазирликлар ва идораларнинг статистика ахбороти бюллетенлари мажбурий тартибда юбориладиган реестрга киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маблағлари, Фан ва технологиялар маркази, халқаро молиявий ташкилотлар грантлари, Ўзбекистон банклар уюшмаси, тижорат банклари ва бошқа молия-иқтисодий тузилмаларнинг буюртмалари, шунингдек Институтнинг ўз фаолиятидан олинадиган даромадлар Институтни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

9. Институт Тошкент шаҳри, А.Қаюмов тор кўчаси, 2-уйга жойлаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ой муддатда:

Институтнинг кўрсатиб ўтилган биносини Ўзбекистон банклар уюшмасидан ўз балансига олсин;

Ўзбекистон банклар уюшмасига Институт биносининг қурилиши билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни тўласин.

11. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Институтни телефон ва телекоммуникация алоқасининг зарур турлари, шу жумладан ҳукумат телефони алоқаси билан таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2002 йил 18 ноябрь

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР — МУСТАҚИЛЛИК САМАРАСИ

Демократик жараёнларни чуқурлаштиришда сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг ўрни ҳақида айрим мулоҳазалар

Истиқлол туфайли фуқароларнинг сиёсий манфаатларини поймол этган бир партияли тизимга чек қўйилиб, барча сиёсий эҳтиёж ва манфаатларни ифодалаш, қондириш имконини берадиган кўппартиявийлик тизими қарор топди. Зотан, турли сиёсий партияларнинг мавжуд бўлиши фуқаролик жамияти учун зарурий ҳолдир. Фуқаролик жамияти турли ижтимоий гуруҳлар ва синфларнинг сиёсий манфаатларини ифодалаш, уларга ўз манфаатлари йўлида фаолият кўрсатиш учун замин яратиши шарт. Шу сабабдан фуқаролик жамияти шароитида бир эмас, бир неча сиёсий партия фаолият кўрсатиши зарур. Хуллас, мамлакатдаги демократиянинг ривожланганлик даражаси сиёсий партияларнинг фаолияти даражаси билан белгиланади. Аммо, Ғарб демократиясидаги антипартиявий сентименталлик тарафдорларининг фикрига қараганда, партияларнинг кўплиги охир-оқибатда демократиянинг зарар кўришига ҳам олиб келиши мумкин эмиш. Бизнингча, бу унчалик тўғри эмас. Лекин фуқаролик жамияти барпо этаётган мамлакатлар учун турфа фикр-мулоҳазалар алоҳида аҳамият касб этиши табиий.

Сиёсий партиялар ўзларига берилган имкониятлардан самарали фойдалана олишлари керак. Бунда улардаги етакчиликка интилиш кайфияти тобора такомиллашмоғи лозим. Бироқ бунинг ўзи бўлмайди. Айни пайтда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар олдига маълум вазифалар ҳам қўйилган. Бу вазифаларга жавоб берилиши эса мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада тараққий этишида асосий омил ҳисобланади.

Жамиятнинг сиёсий тизимида энг оммавий институтлардан яна бири — маҳаллий давлат ҳокимият органларидир. Бу органлар ўз ҳудудида давлат, хўжалик, ижтимоий-маданий қурилиш ишлари билан шуғулланадилар, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ муаммоларни ҳал этадилар. Ўзларига бўйсунган корхона ва муассасалар ишига раҳбарлик қиладилар, қонун устуворлигини таъминлайдилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин қисқа вақт ичида маҳаллий давлат ҳокимиятининг демократик тизими вужудга келтирилди. Совет ҳокимияти йилларида маҳаллий органлар коммунистик партия зуғуми остида шакллантирилган бўлса, мустақиллик йиллари бу органларга сайловлар кўппартиявийлик асосида, халқ иродасидан келиб чиқиб амалга оширилди. Сайловларнинг кўппартиявийлик тамойили асосида ўтказилишининг ўзиёқ ушбу органларнинг нақадар демократик тизимга эга эканлигидан далолат беради.

Маҳаллий ҳокимият тизимида асосан, учта катта ўзгариш қилинди. Биринчидан, маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатлари аниқ белгилаб берилди. Жумладан, маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради:

— қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

— ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

— маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

— маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

— фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш;

— меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Иккинчидан, маҳаллий ҳокимият органларининг вазифалари кенгайтирилди, уларнинг фаолияти эркинлаштирилди. Бу хусусда мамлакатимиз Президенти бундай деган эди: **«Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар, ҳокимиятнинг барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиши тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат».**

Эндиликда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай муаммо юзасидан давлат ҳокимиятининг олий органлари билан келишиб олиш зарурияти йўқолди. Боз устига, маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга ошириш билан бирга республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнаша бошладилар. Ҳолбуки, СССР Конституцияси давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларига бундай ҳуқуқлар бермаган эди.

Учинчидан, маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орасидаги муносабатлар мувофиқлаштирилди, демократлаштирилди. Маҳаллий кенгашлар ваколатлари бир қисмининг фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига берилиши — бу органлар нуфузининг ортишига, ҳуқуқларининг кенгайишига олиб келди. Шунингдек, ушбу тадбирлар маъмурий-буйруқбозлик тизимидан қолган ижтимоий руҳиятга қатъий зарба беради.

Мустақиллик йилларида сиёсий тизимнинг муҳим институтларидан бири — нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятига янги мазмун бахш этилди. Уларнинг бугунги кундаги биринчи вазифаси, «энг аввало, демократик қадриятларни, кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда уч мингдан ортиқ нодавлат ва жамоат ташкилотлари ана шу вазифани бажариш йўлида фаолият кўрсатмоқдалар. Ўзбекистонда «Нодавлат, нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши уларнинг фаолиятини янада фаоллаштирди. Президентимиз ўз маърузаларида сиёсий тизимни сифат жиҳатидан ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларига тўхталиб нодавлат ташкилотлар ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозимлигини, улар давлат тузилмалари фаолиятини муайян маънода тўлдириши, кераклигини алоҳида таъкидлаган эди.

Жамият сиёсий тизими институтлари орасида оммавий ахборот воситаларининг роли ҳам катта. Ушбу воситалар жамоатчилик фикрини шакллантириш, аҳолини зарурий ижтимоий-сиёсий ахборотлар билан таъминлашда беқиёс хизмат кўрсатадилар. Шу боисдан ҳокимиятни қўлга киритишни ва сақлаб туришни истаган ҳар қандай сиёсий куч, энг аввало, оммавий ахборот воситаларини қўлга киритишга интилади.

Оммавий ахборот воситалари демократик қадриятларни тарғиб қилишда қудратли кучдир. Бинобарин, у тоталитар тузум қоидаларини мустаҳкамлашда ҳам қудратли куч вазифасини бажарган. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда 345 та оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатарди. Уларнинг барчаси коммунистик партия раҳбарлиги асосида иш олиб борар ва «социализм эришган ютуқларни мустаҳкамлашга» хизмат қиларди. Радио, телевидение ва газетанинг эркин фаолиятдан маҳрумлиги, цензуранинг мавжудлиги аҳоли фикрини манипуляция қилиш иконини берарди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши оммавий ахборот воситаларининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлди. Эътиборли жойи шундаки, оммавий ахборот воситалари якка мафкурага хизмат қилиш зaруриятидан халос бўлдилар. Бугунги кунда фаолият кўрсатаёатган салкам 500 газетанинг 277 таси давлат ташкилотларига, 74 таси жамоат ташкилотларига таaллуқли, қолганлари тижорат, реклама ва диний нашрлар ҳисобланади. Боз устига, оммавий ахборт воситалари эркин фаолият кўрсатиш имконига эгадирлар. Хусусан, «Оммавий ахборот воситалари, — дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, — эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди... Цензурага йўл қўйилмайди». Кўриниб турибдики, мустақиллик — оммавий ахборот воситаларига аҳамиятли сиёсий институт сифатида фаолият кўрсатишига имкон яратди.

Хуллас, жамият сиёсий тизими ранг-баранг ва турли-туман сиёсий институтларни ўз ичига олади. Уларнинг ўзаро алоқадорлиги, фаолиятлари ҳамжиҳатликда кечиши демократиянинг янада чуқурлашувига сабаб бўлади.

■ **Мейли ТЎРАҚУЛОВ, Қарши давлат университетининг сиёсатшунослик ва демократик жамият қуриш назарияси кафедраси катта ўқитувчиси**

ЎзХДП ХАБАРИ

СЕССИЯОЛДИ ТАРАДДУД БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўнинчи сессиясининг чақирилиши муносабати билан, партиянинг мамлакат парламентидаги фракциясининг унда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида, унга кўмак беришга қаратилган, чора-тадбирларни белгилади. Жумладан, тайёргарлик ишларини ташкиллаштиришга оид Тадбирлар режаси ва уларни амалга оширишда фракцияга кўмакдош МК Ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди, партиянинг марказий газеталари таҳририятларига тегишли тавсиялар берилди.

Сессия олдидан бошланган тараддудда, Ўзбекистон ХДПдан Олий Мажлисга сайланган депутатлар билан бир қаторда, партия тузилмаларининг фаол иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

БОЗОР, ТОВАР, БАНК — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 15 ноябрь куни имзолаган **«Республика банк кенгашини тузиш тўғрисида»ги фармон** келгусида банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга ҳамда тизим қонунчилигини такомиллаштиришга оид барча фаолият жараёнларини чуқурлаштирибгина қолмай, тармоқдаги ҳамма (хусусан, тижорат) банклар салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Масалан, тузилаётган Кенгашнинг аҳамият даражасини унинг мақоми нуфузидан ҳам билса бўлади. У доимий тарзда ишлаб турувчи коллегиал орган бўлиб, ўз фаолиятида фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти ва мамлакат Парламентига ҳисоб беради. Макроиқтисодиёт ва бюджет сиёсатида таҳлилий пул-кредит сиёсатини шакллантириб бориш билан бирга уни изчил амалга ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади.

Мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга доир қабул қилинган комплекс дастурларнинг узоқ даврларга мўлжалланган мақсадли вазифаларимиз ҳамда устувор йўналишларимизга мувофиқлигини аниқлаш ҳам кенгаш вазифасига киради. Миллий валюта барқарорлигини сақлаш, пул тизимини мустаҳкамлаш, пул массаси ўсишини чеклаш, банкдан ташқари айланмани камайтириш, пул айланмасида нақд ва нақдсиз пул массасининг мақбул нисбатини таъминлаш сингари тизим жараёнларининг асосий юки бундан кейин мазкур Кенгаш зиммасида бўлади.

Табиийки, кўзланган бу тадбирлар ижроси республикамизда аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, пул маблағларини банк омонатларига жалб этиш жараёнларини рағбатлантиради, фуқаролар омонати ҳимоясини кафолатлайди ва тижорат банкларининг инвестиция билан боғлиқ фаолиятида ўзгаришлар ясайди.

Энг муҳими, Фармонда сўнгги пайтларда фуқаролардан (айниқса, омонатчилардан) тушаётган саволларга тўлиқ жавоблар борлиги эътиборга лойиқ. Бу, хусусан, валюта сиёсатига боғлиқ бўлиб, Кенгаш зиммасида **«валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, банклараро валюта бозорини ривожлантириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, олтин — валюта захиралари барқарор ва муттасил кўпайиб боришини таъминлаш...»** вазифаси ҳам туради.

Бу деганики, Кенгаш фаолиятининг муваффақияти — республикамизда банк тизими ва банклараро муносабатлар механизмини янада ривожлантиради, тижорат банклари мустақиллигини мустаҳкамлайди. Пировардида, банкларимизнинг халқаро рейтинги кўтарилиб, халқаро молия-кредит тизимига кенг кўламда қўшилиб олишимиз ҳам тезлашади.

«Табиийки, — деган эди Юртбошимиз ҳали 1993 йил (6 сентябрь)даёқ халқаро банклар конференцияси очилишида сўзлаган нутқида, — **иқтисодий тараққиётни тезлаштиришда банклар ва бошқа молия ташкилотларининг аҳамияти жуда катта. Банкларсиз саноат бўлмаслигини, банкларсиз экспорт бўлмаслигини, банкларсиз сармоялар бўлмаслигини биз жуда яхши биламиз. Банк соҳалари ва уларнинг тараққиёти Ўзбекистон ҳукуматининг диққат марказида турибди...»**

Айни шу маънода ҳамки, мамлакатимизда Республика Банк Кенгашининг тузилиши алоҳида моҳиятга эга.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ.**

ДИЁНАТ

ОТА БАРИБИР ОТА-КУ

УЛАР ЎЗ ОТАСИНИ МАЖБУРАН РУҲИЙ КАСАЛЛИКЛАР ШИФОХОНАСИГА ЁТҚИЗИШДИ. ОТА РУҲИЙ ХАСТАМИДИ? ЙЎҚ! УНДА НЕГА БУНДАЙ ҚИЛИШДИ?

Ҳа, шундай, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг.

Бу отани нафақат вилоятда, балки республикамизда ҳам кўпчилик танийди. Низомжон Парда — драматург, шоир. Ўнлаб катта-кичик китоблар муаллифи, асарлари бир неча тилларга таржима қилинган.

— Шу гап ростми?.. — минг бир истиҳоладан сўнг сўраймиз ундан.

— Ростликка росткуя... Аммо айтгулиги йўқ. Бош ёрилса, дўппи остида...

— Ака, ўзи нима гап?

— Болаларим омон бўлгурлар, денг, еттита. Ҳаммаси деярлик уйлик-жойлик, ақлли-ҳушли. Мен шу болаларни деб яшадим, ижод қилдим. Қалам ҳақидан тортиб, бошқа топган-тутганимгача шуларга тутқаздим... Чунки оилада ёлғиз ўзим ишлардим.

— Янгамиз-чи?

— Янгангиз менга тушгандан сўнг бирон жойда ишламаган. Топиб келганимни болаларга едириб, ичирарди. Ҳар қалай, иккимиз шуларни вояга етказдик. Фарзандларимнинг катталари ҳатто олий маълумотли бўлишга, мартабали ишларга жойлашишга ҳам эришди. Бирдан... Шайтон йўлдан урдими, билмадим. Энди, англашимча, уларнинг машина мингиси, қўшайвонли уйларда яшагиси келиб қолди. Уларга бундай шароитни яратишга менинг имконим йўқ эди...

Ота оғир сукунатга чўмди. Сўнг яна давом этди:

— Мен 1992 йилдан Денов шаҳар ат-Термизий хайрия жамғармасини бошқардим. Унда нодир китоблар, камёб коллекциялар, антиқа зийнат буюмлар йиғилиб, тўлдирилиб борилар эди. Бунинг устига янгангиз билан бизнинг оилавий алоҳида яшайдиган коттежимиз бор эди. Болалар ана шуларга кўз олайтирди, шекилли...

Икки кўзида раҳми йўқ фарзандлар тил бириктиришиб, отани аввал Термиздаги, сўнг Қаршидаги руҳий касалликлар шифохонасига мажбуран (?!) ётқизишади. Қаршидаги вилоят руҳий касалликлар диспансерида 13.01.97 йил 106/19 рақамли касаллик тарихида кўрсатилишича, фарзандлари **«Мен Хуршид ва укам Равшан, Зафарлар билан отамиз... ни ўзим ва оилам аъзолари розилиги билан даволатиш учун ётқиздик. Руҳий хасталикка чалинган. Ҳамма масъулиятни ўз бўйнимизга оламиз»,** деб имзо қўйганлар.

Улар Қарши туман Ертепа ҚФЙга қарашли Батош коттежида рўйхатга олинган, хайрия жамғармасида фаолият кўрсатаётган, ақли-ҳуши жойида бўлган отани — «Отамиз биз билан Қарши шаҳар Маҳтумқули кўчаси, 101-уйда яшайди, ҳеч қаерда ишламайди, пенсионер, оиламиз тинчлигини бузаётирлар, сабаби, шизафрен касалига чалинган» деган қалбаки ҳужжатлар тўғрилашиб, касалхонага ётқизадилар. Касалхонада кийим алмаштириш баҳонасида оталари ёнидан уй калитларини ҳам олиб қўйишади.

Улар шу шошилишда чопа-чопа, Қарши шаҳар 3-кичик район, 49-уй, 46-хонага — оталарининг ишхонасига етиб келадилар, берухсат хонани очадилар. Аввало 1 миллион 200 минг сўмлик лойиҳаланиб қурилган телефонни узиб, шерикларининг бирига ҳадя этадилар, бор мулк-маблағ, фотослайд, қўлёзма, китоб, ҳужжатлар, Батош коттежининг ордери, ксерсо нусха, воқеа сабабчиларига тегишли суд қарорлари, 4 та хонадон паспорти — уй дафтари ва ҳоказоларни қўлга киритиб, Денов шаҳар, Озодлик-86-офис уй дафтарини эса Зафарга тақдим этадилар.

Уч ойлардан сўнг Низомжон Парда диспансердан чиқиб, тўғрироғи «қочиб» келади. Ўғиллари Зафар ва Шавкат уйдан чиқармай, мажбуран сақлаб келишади. Қоронғу тонгларнинг бирида ота ўз уйидан ҳам қочишга имкон топади. У Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарамоғидаги Чуқурсой КПБси 14.08.97 й. — 28.08.97 й. кузатувида бўлиб, 57226 рақамли 0371930000 серияли 29.08.97 йил меҳнатга қобилиятсизлик варақаси, 10-3026 ва 10-3027 маълумотномалари билан қайтади. Булар у кишининг ақли-ҳуши жойида эканлигини яна бир бор тасдиқлар эди.

Ҳамма гап шундаки, бечора отани ўз «йўл-йўриғ»ларига юргизишга мажбур қилиш учун пуштикамаридан бўлган фарзандлар «Агар бирон жойга борсангиз — тамом яна жиннихонага олиб бориб тиқамиз. Кўрдингиз танишларимиз кўп, уй-жойингиз, мол-мулкингиздан ҳам айриласиз» — деб шарт қўядилар.

Низомжон ака ўзининг жинни эмаслигини тасдиқлатиш учун Тошкентга келиб соғлиқни сақлаш идораларидан махсус текширувдан ўтади. Сўнгра уй-жой, ишхона, офис, мулк-маблағларини талаб қилиб фарзандлари билан юзлашди. «Бу ҳақда бировга оғиз очсангиз, сизни яна жиннихонага элтиб тиқамиз, кучимиз етарли», деб яна пўписа қилди ўғил Хуршид. «Сизнинг долларингиз укам Хуршидда. Сиз психбольницада ётганингизда домингиздан олиб келган. Бу пул 350 доллар эканлигини Малоҳат айтган, мени тинч қўйинг», деб тилхат ёзди қизи Гулнор. «Балли қизим, — деди ота, — ҳисобда адашмабсизлар: 200 АҚШ долларини Қарши Миллий банкидан ўзим олганман, қолганини қарзига суришиб, эринг Рустам берган эди... Хўш энди мен қаерда яшайман, ниманинг ҳисобидан тирикчилик қиламан?»...

У ўтган қаттиқ қишларнинг бирини Термиз туман санаторийсида, иккинчисини Шўрчи ҳаммомхонасида, учинчисини Денов шаҳар «Беҳзод» хусусий меҳмонхонасида, кейингисини жияни Қобилжонникида ўтказди. Қолган кун, ҳафта, ойларни имкон топган жойларда ўтказди.

Бу гапларга ишонмайдиганлар ҳам булар. Майли, давомини эшитинг. Воқеа содир бўлган кунларнинг бирида Низом аканинг кенжа ўғли Зафар «Озодлик-86» офис дафтарини кўтариб, Деновга «учди». Бу ерда уни қайнота-қайноналар кутиб турарди: қизи, невараларни бир кунда офис дафтарига тиркаган қайнота навбатдаги ниятини ҳам охирига етказди. Сўнг... «Озодлик-86» офис мулк-маблағлари ҳисобига тикланган янги бинога Жўрабек исмли ўғилчасини машинасида уларнинг қолган кўч-кўрони билан кўчиртириб, кўнгли таскин топди.

Шу ўринда айримларда «Ҳа, энди, бир сабаб бордирки, ота шу кўйга тушиб ўтирибди», деган фикр туғилиши мумкин.

Тўғри, сабабсиз ҳеч нарса бўлмайди. Аммо Низомжон аканинг ақли-ҳуши жойида. Ижод қилаяпти, шеърлар ёзаяпти. Ўзига хос соддалиги, бироз хаёлпарастлиги, иш, ижодга муккасидан кетиши бор албатта. Лекин, бу камчилик, айб иш эмас-ку. Ёки айби ишонувчанлиги, бўш-баёвроқ бўлганидами? Тўғри, иш, ижод деб болаларига ўта талабчан бўлолмагандир. Лекин имкони даражасида қаради. Ҳар ҳолда бу болалар осмондан тушгани йўқ. Шу ота топган нонни ейишган, шу ота уйида яшашган... Энди бу қари ота «ноқобил» ота уларга керак эмасми? Агар ота ўта уятли гуноҳ иш қилганида, болалари юзини ерга қаратганида бу ҳолни эҳтимол тушуниш мумкин эди. Ваҳоланки, Низомжон 2001 йил 24 августда «Шуҳрат медали» билан мукофотланди. 2002 йил 4 август куни Денов туман ҳокими «... туман ижтимоий маънавий ҳаётидаги фаол иштироки, мустақил республикамиз миллий истиқлол ғоясини омма онгига сингдиришга қўшаётган ҳиссаси, халқимизнинг қадимий урф-одатлари ва қадриятлари тарғиботидаги фидойи ҳаракатлари учун уни Фахрий ёрлиқ билан тақдирлади».

Демак, у руҳий хаста эмас. Эҳтимол фарзандлари диёнати кемтикдир, иймони бутмасдир. Халқимизда «Отанг тентак бўлса, боғлаб боқ», деган мақол бор. Бу ҳикмат мағзини чаққанча, ота кимлигини тушунтириб ўтириш шарт эмас. Аммо тушунмаганга қанча гапир, бекор.

— Мен барибир шунча хўрландим... аммо ҳозир ҳам болаларимга ҳеч қандай ёмон ният билдирмайман. Фақат шу... уларга, уларнинг «ҳомий»ларига инсоф бериб, менинг ишлашимга ва яшашимга халақит беришмаса бас, — дейди у.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД — РУҲИЯТ НАҚҚОШИ» ТАНЛОВИГА

ТУЙҒУ ВА ТАФАККУР МЎЪЖИЗАСИ

Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаролар билан ҳамфикр замондош эди. Улар яшаган XV асрдаги юксалиш ҳамон инсониятни лол қолдиради, ҳайратлантиради. Ана шу давр маданияти ва унда Камолиддин Беҳзоднинг тутган ўрни қандай бўлган?

Навоийшунос олим, академик Азиз ҚАЮМОВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик

— XV аср Мовароуннаҳр ва Хуросонда юксак маданий ва маърифий тараққиёт асри бўлди. XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрдаги юксак маданий кўтарилиш бевосита Улуғбек номи билан боғлиқ. Улуғбек отаси Шоҳруҳнинг ҳимоясида Самарқандда ҳукмронлик қилди ва илм-фан тараққиётига асос солди. Шоҳруҳ Мирзонинг вафотидан кейин кўп ўтмай 1449 йилда Улуғбек ўлдирилди.

Шундан сўнг, Улуғбек давридаги юксак илмий, маданий тараққиёт маълум даражада заифлашди. Фан тараққиёти сустлашди. Бу соҳада парокандаликлар юз берди.

XV асрнинг иккинчи ярмида, яъни 1469 йилда султон Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтини қўлга киритди. Шундан сўнг шоир Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро ёнида кенг кўламда сиёсий фаолият олиб борди, айни замонда маданий тараққиётга ҳам асос солинди.

Демак, XV асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр юксак маданий тараққиётни бошлаб берган бўлса, иккинчи ярмида Ҳиротда Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида маданий кўтарилиш вужудга келди. Бу ҳақда Ойбек домла, Иззат Султон, Евгений Эдуардович, Олим Шарофиддинов, профессор Абдураҳмон Саъдий ва бошқа катта авлодга мансуб устозларимиз жуда муфассал ва яхши ёзишган.

XV асрдаги маданий тараққиётнинг узвий бўлаги тасвирий санъатнинг юксалиши бўлди. Тасвирий санъатнинг юксалишида бош ўрин тутган рассом, наққош ва маданий ҳаётнинг улкан ташкилотчиси Камолиддин Беҳзоддир.

Камолиддин Беҳзод 1455 йилда Ҳирот шаҳрида туғилган. Ота-онадан эрта етим қолган. Шундан сўнг у ўша даврнинг улуғ санъаткорларидан Мирак Наққош, яъни амакисининг қўлида тарбия

1

топган. Мирак Наққош ёш мусаввирни тасвирий санъатга бўлган қобилияти шаклланишида катта ўрин тутган. Ҳиротда ўша вақтда «Нигористон» деб аталган тасвирий санъат академияси бўлган. Ушбу даргоҳга Алишер Навоий ҳомийлик қилган. Академияга Мирак Наққош раҳбарлик қилган. Беҳзод мана шу «Нигористон»да камол топган ва юксак бадиий маҳорат чўққиларини забт этди. «Нигористон»даги кутлуғ ишларни Беҳзод маълум даражада давом эттиради. Натижада у катта ташкилотчи ва маданият арбоби бўлиб етишади. Маданий ва ижтимоий ҳаётда катта ўрин тутган буюк санъаткор 1487 йилда султон Ҳусайн Бойқаро китобхонасининг бошлиғи қилиб тайинланади.

Шу ерда мен битта нарсага диққатингизни қаратмоқчиман. Китобхонами ёки кутубхонами? Биз кутубхона деганда китоблар сақланадиган, ундан ўқиш учун фойдаланадиган жойни тушунамиз. У вақтларда босмахоналар бўлмаган, ҳамма китоблар қўлда ёзилган. Китобхона деганда, мана шу китобларнинг ёзиладиган жойлари кўзда тутилган.

— Демак, ўша замонлардаёқ миллий китобот санъати яхлит маданиятимизнинг узвий бир қисмига айланган. Бу даражадаги юксак санъат, олтин суви билан жило берилган китобот санъатининг бетакрор намуналари аждодларимизнинг нақадар юксак туйғуларидан далолат эмасми? Камолиддин Беҳзод шу санъатга раҳнамолик қилганини ҳисобга олсак, унинг шахсияти ниҳоятда баркамол бўлганига яна бир бор ишончимиз ортади.

— Жуда тўғри. Ҳар қандай санъат намунаси уни яратувчиси қалбининг ифодаси. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Жумладан, Камолиддин Беҳзод ҳам буюк санъатнинг, гўзал руҳият ва нафис туйғунинг беқиёс рамзи. Уни шундай баҳолашимиз лозим.

Алишер Навоий 1501 йилда вафот этди. Султон Ҳусайн Бойқаро эса 1506 йили дунёдан ўтди. Хуросонда шаҳзодалар ўртасида тожу тахт талашиш бошланди. Парокандаликдан фойдаланган Шайбонийхон олдин Мовароуннаҳрни, кейин Хуросонни эгаллади. Шайбонийхон ҳукмронлиги даврида ҳам Камолиддин Беҳзод ўзининг санъат соҳасидаги ишларини давом эттирган.

1522 йилда Беҳзод Табриздаги сафавийлар китобхонасининг бошлиғи этиб тайинланди. Шу йўсин буюк мусаввирнинг фаолияти Табризда ҳам давом этди. Унинг шогирдлари янада кўпайди. 1537 йилда Беҳзод энг яқин жияни ва шогирдини кўргани Табриздан Ҳиротга келади ва шу ерда вафот этади. Баъзи олимларнинг фикрларига қараганда, Беҳзод шу ерга дафн этилган. Баъзи олимлар бошқачароқ фикр билдиришади. Лекин, ҳар ҳолда шу айтилганлардан кўриниб турибдики, Беҳзод узоқ умр кўрди, сермаҳсул ижод қилди ва унинг ижод самараси бутун инсониятга ҳамон юксак бадиий маҳорат намунаси, буюк эстетик завқ бағишловчи асарлар сифатида қадрланиб келмоқда.

— Камолиддин Беҳзод нафақат миллий, балки жаҳон тасвирий санъати асосчиларидан ҳисобланади. Буни дунё тан олган.

— Шундай. У жаҳон тасвирий санъатининг буюк арбоби. Хусусан, ўзбек миллий тасвирий санъатининг илк намояндаси! Айни пайтда жаҳон цивилизациясига, шу соҳа тараққиётига кучли таъсир ўтказган зотлардан.

Беҳзод миниатюра санъати бўйича тенги йўқ, беқиёс даражадаги моҳир бир санъаткор. Беҳзоднинг миниатюра асарлари Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сига, Саъдийнинг «Бўстон»ига, Хисрав Деҳлавийнинг «Хамса»сига, замондоши Хотифийнинг «Темурнома» асарига ишланган. Маълумки, «Хамса» бешта достондан иборат. Низомийда ҳам, Хисрав Деҳлавийда ҳам, Навоийда ҳам. Фақат Жомийда «Ҳафт авранг» дейилади (7 та достондан иборат). Шу бешта достоннинг бешинчиси Низомийда ҳам, Ҳисрав Деҳлавийда ҳам, Навоийда ҳам Искандар ҳақида. Ҳатто, Жомийда ҳам «Ҳиротномаи Искандар» дейилади. Хотифий бу анъанадан чекинган. У ўзининг «Хамса»сини тузмоқчи бўлган. «Лайли ва Мажнун»ни, «Хисрав ва Ширин»ни, «Саббаи Сайёр»ни, «Ҳақ манзари Баҳром»ни ёзган, лекин бешинчи достонини «Темурнома» деб атаган. У Искандар Зулқарнайн ҳақида

2

эмас, балки буюк бобомиз соҳибқирон Амир Темур тўғрисида ёзган. Беҳзод мана шу Хотифий асарларига ҳам бир қанча миниатюра суратларини чизган. Бундан ташқари портрет соҳасида ҳам самарали ижод қилган. Масалан, Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, шоир Хотифийнинг портретларини ишлаган. Абдураҳмон Жомийни реал ҳаётда қандай бўлса, шундайлигича тасвирлаган.

Камолиддин Беҳзод жуда кўп шогирдлар етиштирган. Ҳиротдаги «Нигористон» академияси ва Табриздаги санъат марказида Беҳзоднинг жуда кўп шогирдлари унинг ишларини давом эттиришган. Бизгача етиб келган Навоийнинг яккаю ягона суратини Беҳзоднинг шогирдларидан Маҳмуд Музаҳиб чизган. Маҳмуд Музаҳиб темурийлар салтанатига барҳам берилгандан кейин Бухорога келиб, шу ерда тасвирий санъат билан шуғулланган. Шундай қилиб Беҳзод Шарқ миниатюра санъатида буюк бир арбоб сифатида тарихга кирган ижодкордир.

— Алишер Навоий билан Камолиддин Беҳзод ўртасидаги ўзаро муносабат ҳақида нималар дея оласиз?

— Бир куни Алишер Навоий ҳузурига Беҳзод чиройли, катта сурат ишлаб олиб келибди. Унда ниҳоятда хушҳаво боғ, дарахтлар осмонга бўй чўзган, гуллар очилган, булбуллар сайрашмоқда. Ариқларда сувлар шарқираб оқаяпти, боғда Алишер Навоий турибди. Супадаги баркаш ичида аллақанча қимматбаҳо тошлар тўлғазилган. Бу расм жуда таъсирли ишланган, ранглари жуда нафис ва юксак мутаносибликда берилган. Беҳзод қаламига мансуб ҳам пейзаж, ҳам портрет, ҳам руҳиятни кўрсатувчи, унинг қиёфасини билдирувчи ажойиб асар эди. Навоий Беҳзодга қайта-қайта раҳматлар айтган ва дўстларидан сўраган: «Қани, бу сурат ҳақида нима дейсизлар? Сизларда қандай таассурот қолдирди?» Ўша суҳбатда қатнашаётганлардан бири Хуросон аҳлининг машҳур зотларидан Мавлоно Фасиҳиддин деган киши:

— Мен бу суратни кўриб ҳайрон бўлиб ўтирибман, гулзордаги гуллар шу қадар ажойиб ишланганки, улар тирик гулларга ўхшайди. Шулардан биттасини узиб олсаму салламга тақиб қўйсам дейман, — дебди.

Шунда Алишер Навоийнинг дўстларидан бири Соҳиб Доро айтибдики:

— Менда ҳам шундай истак пайдо бўлди, лекин агар қўлимни чўзсам, унинг шарпасидан хавфсираган қушлар учиб кетиб қолмасин, деб ўзимни тийиб турибман.

Улардан бири Мавлоно Бурхон:

— Мен бир мулоҳаза билан ўзимни тийиб турибман. Агарда бирон сўз айтадиган бўлсам, бу сўзим сал нохуш бўлиб, ҳазрати Алишер Навоийнинг таъбларига ёқмай қолса, шундай кулиб турган чеҳралари ўзгариши мумкин. Шуни андиша қилиб, индамай турибман, — дебди.

Бу гапни эшитган Мавлоно Бадахший дебди:

— Эй, Мавлоно Бурхон, сенинг бу беадаблик ва густоҳлик билан гапирган гапингга мен ҳазрати Алишернинг қўлларидаги асони олсаму, бошингга бир урсам, деб турибман.

Бу суҳбатни якунлаб Навоий айтибди:

— Азизлар, яхши сўзлар айтдиларингиз, маъно дурларини сочдингиз. Лекин, Мавлоно Бурхон ўша номаъқул ишни раво кўрмаганида ва дағаллик қилмаганида эди, мана бу баркашдаги тиллаларни олиб бошларингиздан сочмоқчи эдим.

Йиғилганлар Беҳзод ишлаган суратни жуда юксак баҳолашиб, унга раҳмат айтишганидан сўнг, Алишер Навоий унга от совға қилибди. Суҳбатдошларига зар чопон кийгизибди. Буни Мавлоно Восифий ўзининг хотиралар китобида келтирган.

Ибратли ҳикоядан ҳам кўриниб турибдики, Камолиддин Беҳзод асарлари нафис ва гўзаллиги, табиий ва ҳаётийлиги билан ўз замонаси ижод аҳолини лол қолдирган. Замонлар ўтиб, асрлар оша бугун ҳам инсоният Беҳзод асарларига маҳлиё бўлиб келмоқда. Бу асарлар қадри давр ўтиши билан янада қимматлашиб бораверади.

■ Суҳбатдош: Нодира ҚУРБОНОВА

3

XORIJDA

ЛУКАШЕНКОГА ВИЗА БЕРИЛМАЙДИГАН БЎЛДИ

Маълумки, 21-22 ноябрь кунлари Прага шаҳрида НАТОнинг саммити бўлиб ўтади. Саммитда эса НАТОга аъзо давлатлар раҳбарлари ва делегацияларидан ташқари «Тинчлик йўлида шериклик» дастурига қўшилган давлатлар раҳбарлари ҳам қатнашади. Қисқаси, саммитда 46 давлат раҳбарлари иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

Саммит ишида иштирок этишни сўраб мурожаат этганлар орасида Белоруссия Президенти Александр Лукашенко ҳам бор эди. Бироқ унинг иштирок этиш-этмаслиги масаласи узоқ тортишувларга сабаб бўлди ва ниҳоят бу масалага ўтган жумада нуқта қўйилди: Чехия Ташқи ишлар вазирлиги унинг Прагага келиши учун виза бермасликка қарор қилди. Бу фақат вазирликнинг қарори эмас, балки НАТОга аъзо давлатларнинг вакиллари билан келишилган ва маслаҳатлашилган ҳолда қилинмоқда. Сабаб: Чехия ташқи ишлар вазири Цирил Свободанинг шарҳлашича, «Чехия Белоруссиядаги вазиятдан ташвишга тушмоқда. Негаки, у ердаги ҳукмрон тузум оппозициянинг ҳар қандай чиқишларига қаттиққўллик билан чора кўрмоқда. Шу йўсинда инсон ҳуқуқлари оммавий тарзда бузилмоқда».

Шу важдан бўлса керак, Белоруссия Президентининг «шахсий дело»си кўриб чиқиш учун Европа Иттифоқи давлатлари ташқи ишлар вазирлари кенгашига ҳавола этилди.

Бу вазият эса Александр Григорьевич Лукашенконинг «ғазаби»ни қўзғатмай қўймади. Натижада Белоруссиянинг Чехиядаги элчиси чақириб олинди. Энди у яна Прагага қайтадимийўқми, буни вақт кўрсатади.

Қисқаси, виза масаласи Белоруссия Президенти учун катта кўнгилсизликларнинг бошланиши холос, дейилади манбаларда. Бугун Европа Иттифоқининг Брюсселдаги штаб-квартирасида ЕИ ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлисида Президентнинг «шахсий делоси» кўриб чиқилади. Айтинг-айтинг улар «қаттиққўллик» қилишмасин-да. Акс ҳолда... Брюсселдан аввалдан олинган маълумотларга кўра, Лукашенконинг ЕИ таркибидаги бошқа давлатларга ҳам ташрифи тақиқланиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Белоруссия Президентига виза тақиқланиши мамлакат делегациясининг бошқа аъзоларига тааллуқли эмас. Жума куни бўлиб ўтган матбуот конференциясида Чехия ташқи ишлар вазири Цирил Свободанинг айтишича, Белоруссия делегацияси визаларни ўз вақтида олишади. Ва ҳеч қандай муаммосиз Прагага келишлари ҳамда НАТО саммитида қатнашишлари учун керакли шароитлар яратилади.

Дарвоқе, яна бир гап. Чехия Президенти саммит доирасида бирор-бир давлат бошлиғи билан алоҳида музокара олиб боришни режалаётгани йўқ. Агар Президентнинг ўзи буни хоҳлаган тақдирдаям саммитнинг тиғиз дастури бунга имконият бермайди, деди Чехия Президентининг матбуот котиби Ладислав Шпачек. Фақат АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашувгина бундан мустасно. Бунинг учун у бир кун аввал Прагага учиб келади.

БУШНИНГ ТАШРИФИ



Россия Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 22 ноябрь куни АҚШ Президенти Жорж Буш амалий ташриф билан Россияга келади. Кремлнинг матбуот хизмати хабар беришича, икки давлат бошлиқлари Санкт-Петербург яқинидаги Пушкин шаҳрида ўзаро музокаралар олиб боришади.

27 НОЯБРГА КЎЧИРИЛДИ

БМТ инспекторларининг Ироқда кенг кўламли фаолият бошлаши 25 ноябрга белгиланган эди. Бироқ инспекторлар бошлиғи Ханс Бликс шуни маълум қилдики, операция 27 ноябрдан бошланадиган бўлди. Инспекторларнинг биринчи — техник гуруҳи эса кечадан иш бошлаган.

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

ТАРАҚҚИЁТГА ЯНГИ КУЧ БИЛАН

Ўтган ҳафтада Хитойда катта сиёсий воқеа юз берди: мамлакатга ўн уч йил раҳбарлик қилган Цзян Цземин ўрнини янги раҳбар эгаллади

Хитой — буюк давлат. Биз мустақиллигимизнинг дастлабки йилиданоқ бу қўшни давлат билан яқин ва яхши муносабатлар ўрнатдик. Президентимизнинг Хитойга расмий ташрифи, ўзаро манфаатли музокаралар ҳамда дўстона учрашувлар бу муносабатларга асос солган эди. Кейинчалик Хитой раҳбари Цзян Цземин Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди ва ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди.

Маълумки, бу буюк мамлакатда компартия марказқўмининг бош котиби Хитой Халқ Республикасининг Раиси, яъни давлатнинг биринчи раҳбари ҳисобланади. Шунинг учун съезд нафақат партиянинг ҳисобот давридаги фаолиятига, балки бутун мамлакат тараққиётининг маълум бир босқичига баҳо берди.

Хитойда ислоҳотларнинг бош ташаббускори ва ташкилотчиси Дэн Сяопин ҳисобланади. Унинг ислоҳотларни амалга оширишга раҳбарлик қилишдаги жўшқин фаолияти ўтган асрнинг саксонинчи йилларига тўғри келади. У бир пайтлар мамлакатдаги юқори мартабали раҳбарлик лавозимларидан икки марта четлаштирилган. Учинчи марта ҳокимият тепасига келганида эса мустаҳкам ўрнашиб қолди ва ислоҳотларни бошлаб берди. Хитой социалистик мамлакат деб аталса-да, аслида иқтисодда бозор муносабатлари йўлини танлади. Бу иқтисоднинг тез суръатлар билан юксалишига туртки берди.

Шунингдек, Дэн Сяопин раҳбарлиги пайтида ошкор айтилмаган ҳолда партия ва давлатда юқори мартабали лавозимларни эгаллаб турган раҳбарлар 70 ёшдан ошганларидан кейин ўз ўринларини ихтиёрий равишда ёшроқ сафдошларига бўшатиб бериш анъанаси шаклланган эди. Ўшанда Дэн Сяопиннинг ўзи ибрат кўрсатиб, издоши Цзян Цземинга катта ишонч билдирганди. Ўз навбатида Цзян Цземин ҳам ана шу анъанага содиқ қолиб, ўзининг партия ва давлатдаги раҳбарлик лавозимларини тарк этди. Унинг ўрнига ёшроқ сафдоши, Дэн Сяопиннинг яна бир содиқ издоши Ху Цзинтао сайланди. Шу билан бирга, юқори мартабали лавозимларни эгаллаб турган ва бугунги кунга келиб қариб қолган раҳбарлардан бештаси ўз ўринларини ёшроқ сафдошларига бўшатиб беришди.

Кузатувчиларнинг фикрича, Хитойда шаклланган анъанага кўра, Цзян Цземин яна бир неча йил мобайнида партия ва давлат фаолиятида муҳим қарорлар қабул қилишда иштирок этиши ҳамда салмоқли таъсир кучига эга бўлиши мумкин. Ўз вақтида иқтисодий ҳамда сиёсий ислоҳотлар ташаббускори Дэн Сяопин ҳам худди шундай вазиятда катта таъсир кучига эга бўлган.

Кейинги 20 йилда Хитойда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг самараси эса беқиёс. Бир пайтлар қашшоқликнинг сабабчиси деб чумчуқларга қирон келтирган хитойликлар бугун тўқ ва бадавлат ҳаёт кечиришяпти. Бир пайтлар хусусий ишлаб чиқаришни капитализмнинг иш услуби деб инкор этган мамлакат иқтисоди бугун хусусий сектор туфайли «катта сакраш» қиляпти. Бир пайтлар ривожланаётган мамлакатлар қаторида тилга олинган Хитой бугун ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда жаҳонда 6-ўринга чиқиб олди ва Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиб, дунё билан иқтисодий интеграцияга киришди. Ахир 1 миллиард 300 миллион аҳолини боқиш ва кийинтиришдан ташқари яна жаҳон билан савдо қилишнинг ўзи бўладими?! Хитой мўъжизаси деб шуни айтишади-да.

Бундан уч йил олдин Хитойнинг Сичуань вилоятида бўлдим. Айтишларича, Дэн Сяопиннинг юрти экан. Вилоятда қарийб 86 миллион аҳоли яшаркан. Чэнду шаҳри — вилоят маркази. Саноати ривожланган, бинолари осмонўпар, меҳмонхоналари кўп, бозорлари тўкин, савдо-сотиқ ривожланган, аҳолиси 16 миллиондан ошадиган ўта замонавий шаҳар. Халқ истеъмоли моллари улгуржи савдосида Шанхай ва Пекиндан кейин учинчи ўринда тураркан. Биз Хитой мўъжизасини — ислоҳотлар самарасини Сичуань вилояти мисолида кўрдик. Ҳатто ёмғирга бой, намгарчилик юқори бўлган қиш ойларида ҳам самарали деҳқончилик қилишнинг технологиясини ишлаб чиқишибди. Далаларни айландик — бир қарич ҳам бўш ер йўқ. Бир йилда уч марта ҳосил олинаркан. Чэнду кўчаларидаги минглаб дўконлару шаҳардаги ўнлаб бозорлар арзон ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тўлиб-тошиб кетган. Тўғриси, ҳавасингиз келади. Деярли ҳаммаси вилоятнинг ўзида етиштириларкан. Вилоят хорижга ҳам маҳсулот сотаркан.

Съезд якунларига кўра, энди Хитойни янги раҳбарлар бошқаради. Албатта, улар ёш кишилар эмас, шу пайтгача бошқариб келганларнинг сафдошлари ва издошлари. Бир сўз билан айтганда, ислоҳотнинг давомчилари. Демак, тараққиёт янги куч билан давом эттирилади. Турмушнинг ўртача даражаси — чегара эмас. Хитой бундан кейин ҳам иқтисодда хусусий ҳамда аралаш секторларга таянган ҳолда илғор ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, илғор Хитой маданиятини юксалтириш, барча имкониятларни аҳолининг туб манфаатларини таъминлашга йўналтириш йўлидан боради. Хитой XXI асрнинг ўрталарига бориб, ҳар жиҳатдан тараққиётга эришган замонавий демократик кучли давлатга айланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Съезддан кейин янги куч билан шубҳасиз, ана шу мақсад йўлидаги курашнинг ҳал қилувчи босқичларидан бирига қадам қўйилди.

■ Иброҳим НОРМАТОВ, сиёсий шарҳловчи

100 ДАН ОРТИҚ КИШИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Бишкек шаҳар ИИБ бошлиғи Кенешбек Душебаев берган хабарга кўра, шанба куни шаҳарда норозилик намойишига чиққан одамларнинг юздан ортиғи жамоат тартибини бузганлиги учун милиция томонидан қўлга олинган. Унинг айтишича, эрталаб соат 8^{00} да одамлар марказий бозорга йиғила бошлашган. Ва улар бошқаларни ҳам митингга жалб этиб, шаҳар марказида ўтказилиши мўлжалланаётган «халқ йиғини»га боришга даъват этган.

Йўлда эса намойишчилар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан автобусларга чиқарилади.

«Автотранспорт ва одамларнинг ҳаракатланишига намойишчилар халақит бермасликлари учун шундай қилинди», дея изоҳ берди Душебаев бу вазиятга.

«Қирғизистон Президенти истеъфоси учун» муҳолифат ҳаракатининг ташаббускорлари томонидан уюштирилаётган «халқ йиғини»да муҳолифат партия вакиллари мамлакат президентлигига навбатдан ташқари сайловлар ўтказиш масаласини ўртага қўйишмоқчи эди. Бундан ташқари шу йил март ойида Қирғизистоннинг жанубида юз берган тўқнашувда нобуд бўлган 6 кишининг ўлимига айбдор ҳисобланаётган мансабдор шахсларнинг жазога тортилишини талаб этишмоқда, дейилади Интерфакс тарқатган хабарда.

САМОЛЁТНИ ОЛИБ ҚОЧМОҚЧИ ЭДИ

Исроил радиосининг хабар беришича, якшанба куни кечқурун Тел-Авивдан Истанбулга 581 рейс билан парвоз этаётган Исроилнинг «Эл-Ал» авиакомпаниясига қарашли «Боинг-757» самолётини олиб қочмоқчи бўлган террорчини Исроил хавфсизлик хизмати қўлга олди. Самолёт бешикаст Истанбул аэропортига қўндирилди.

Пичоқ билан қуролланган бу террорчи 23 ёшли Товфиқ Фукра бўлиб, у учувчилар кабинасига бостириб кирмоқчи бўлган.

Самолётда 170 нафар йўловчи бор эди.

ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг навбатдаги Ҳайъат йиғилиши Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасида бўлиб ўтди. Унда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқармалари, мустақил бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармалари раҳбарлари иштирок этдилар. Мажлисда Тошкент шаҳри, Тошкент ва Навоий вилоятларида фавқулодда вазиятларни бошқариш бўйича олиб борилаётган ишлар, бошқармалардаги қутқарув анжомлари ва бинолар юзасидан олиб борилган текширувлар, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари фавқулодда вазиятлар бошқармаларида штатсиз авария-қутқарув бирикмалари ҳамда жойларда маслаҳат пунктларини ташкил этиш бўйича топшириқларини бажариш, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ва Фуқаро муҳофазаси институтида капитал қурилиш ва таъмирлаш, ўқув-материал базаларни мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлари муҳокама қилинди.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Республика Фавқулодда вазиятлар вазири Ботир Парпиев мажлис якунида йиғилганлар эътиборини белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва сўзсиз бажаришга ҳамда ходимларнинг бутун имконияти ва ушбу вазифаларни амалга оширишга қаратди.

■ **Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот маркази**

СПОРТ

ФЕСТИВАЛДА ИККИНЧИ ЎРИН

Таиланд пойтахти Бангкокда 1988 йилда туғилган футболчилар ўртасида футбол фестивали ўтказилди. Қитъамиздаги беш мамлакат ўсмирлари иштирок этган фестивалда вакилларимиз иккинчи ўрин соҳиби бўлдилар.

Футболчиларимиз Индонезия ўсмирларини 4:2, қирғизистонлик тенгдошларини 3:0 ҳисобида ютиб, малайзияликлар билан дуранг (2:2) ўйнашганди. Бош совриндорларимиз мезбонларга имкониятни бой беришди — 0:6.

ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Англия пойтахти Лондонда таэквондо (ITF) бўйича Европа очиқ чемпионати ниҳоясига етди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Мусобақада ҳамюртларимиз 7 олтин, 4 кумуш ва 4 бронза медалини қўлга киритишди. Умумжамоа ҳисобида эса таэквондочиларимиз ўттизга яқин давлат спортчилари орасида фахрли иккинчи ўринни эгалладилар.

БОЛАЛАР СПОРТИ

Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу масала юзасидан қабул қилган қарори эълон қилинганига салкам бир ой бўлди. Бугун жойларда Фармон ва қарорни бажариш юзасидан зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2005 йилгача мамлакат аҳоли пунктларида болалар спорт комплексларини жойлаштириш ва ривожлантириш лойиҳалари ишлаб чиқиляпти. Бир сўз билан айтганда, бу чора-тадбирлар болаларда спортга меҳр уйғотиш, уларни ўз мамлакатига ғурур-ифтихор руҳида тарбиялаш борасидаги ишларимизнинг узвий давомидир.

Мутахассис, мураббий, маҳалла фаоллари, ота-оналар, спортчилар иштирокида таҳририятимизда ўтказилган «Давра суҳбати»да ушбу масалалар бўйича сўз юритилди.

ХЎШ, ФАРМОН ВА ҚАРОР АҲАМИЯТИ ҲАМДА МОҲИЯТИНИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАНДАЙ ТУШУНЯТИ? ЖОЙЛАРДА МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ, БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР БОР?

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

Қобилжон ТОЛИПОВ, Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номли маҳалла котиби:

— Халқимизда қуш уясида кўрганини қилади, деган мақол бор. Боланинг эртага ким бўлиши уйда, маҳаллада қандай муҳитда тарбияланганига боғлиқ. Ҳаммамизга маълум, кўпгина маҳаллаларда болалар мактабдан бўш пайтларида бекор қолишади. Ҳамма ёмон иллатлар бекорчиликдан келиб чиқади.

Маҳалламиз Янгиобод мавзесида жойлашган. Етти мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Ҳудудимиздаги тадбиркорлар, фермерлар ва корхоналар билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. 2000 йилда маҳаллamизда жаҳон андозаларига мос мини футбол майдони барпо этилди. Қурилиш учун 8 миллион сўм сарфланди.

Замонавий «Янгиобод» спорт мажмуи ҳам улар хизматида. Бу ерда ёшлар сузиш, шоҳмот-шашка, кикбоксинг, стол тенниси каби спорт турлари билан шуғулланишмоқда. Биз келгусида болалар спорти жамғармаси билан ҳамкорликда маҳаллада спорт майдончаларини янада кўпайтиришни режалаштиряпмиз.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ, Оққўрғон тумани жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси:

— Туманимиз миқёсидаги бирорта маҳаллада замонавий спорт комплекси йўқ. Ваҳоланки, спорт билан шуғулланишни хоҳловчи истеъдодли ёшлар кўп. Фақат уларга шарт-шароит яратиб бериш ва қишлоқ жойларда мутахассисларни кўпайтириш зарур. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ана шуларни ҳисобга олса яхши бўларди.

Гавҳар ТАЛАНОВА, Яккасарой туманидаги 160-мактаб директори:

— Тўғрисини айтай, болаларимиз саломатлиги учун кўрсатилаётган бу ғамхўрликдан бошимиз осмонга етди. Бу ерда гап фақат жисмоний тарбия ҳақида бораётгани йўқ. Фарзандларимизни мард, жасур этиб тарбиялаш, уларни ҳар хил ножоиз йўллардан асраш ҳақида бораяпти.

Ўқув даргоҳимиз иқтисодиёт йўналишига ихтисослашган. Спорт ишларига ҳам катта эътибор берамиз. Мактабимизнинг 755 нафар ўқувчиси «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларига мунтазам жалб қилинган. Мактабимиз замонавий спорт залига, сузиш ҳавзасига эга. Ўтган йили ўқувчиларимиз сузиш бўйича шаҳарда 4-ўринни қўлга киритдилар ва икки нафар ўқувчимиз Фарғонада ўтказилган «Умид ниҳоллари — 2002» Республика мусобақасида пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилишди.

Биз бадиий гимнастика бўйича спорт устаси Мая Алексеева, синхрон сузиш устаси Сабина Девушова, эркин курашчи Манучер Ҳабибий, эшкакчи Павел Лариновскийлар билан фахрланамиз.

Аммо бу ютуқлар бизда муаммолар йўқ, дегани эмас. Мактабимизда спорт турларини янада кўпайтириш тўғрисида ўйлашимиз керак.

Комила ЧИНИҚУЛОВА, Шайхонтоҳур туманидаги 15-БЎСМнинг стол тенниси мураббийи, спорт устаси:

— Мактабимизда асосан шоҳмот-шашка, стол тенниси сирлари ўргатилади. Стол тенниси бир қарашда жуда оддий кўрингани билан спорт анжомлари, жиҳозлари анча қиммат. Мактабимиздаги стол ва ракеткаларнинг олинганига кўп йиллар бўлган. Машғулот ўтиш учун кенг ва ёруғ хоналар зарур. Шогирдларимнинг ҳақиқий спортсевар бўлишлари, қизиқишлари янада ортиши учун албатта яхши шарт-шароитлар керак. Ўйлайманки, «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» айнан шу орзуларимизнинг рўёбга чиқишига кўмаклашади.

Хайрулла МЎМИНОВ, «Карима» хусусий фирмаси директори, Собир Раҳимов тумани «Чиғатой-Оқтепа» маҳалласи оқсоқоли:

— Мен ҳозиргина туман ҳарбий комиссариатидан келяпман. Афсуски, ҳарбий хизматга чақирилаётган йигитларимизнинг ҳаммаси ҳам соғлом ва бақувват эмас. Шу нуқтаи-назардан биз бугун фақат чемпионлар тўғрисидагина бош қотирмай (чунки ҳамма ҳам чемпион бўлавермайди!) барчани соғлом ва бақувват бўлиб ўсиши ҳақида кўпроқ қайғуришимиз керак.

Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва айнан шу масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори юрт келажагини ўйлаган ҳар бир кишини тўлқинлантиради. Маҳалламизда болаларнинг спортнинг бир йўла етти тури билан шуғулланишлари мумкин бўлган замонавий спорт мажмуи бор. Мактаб ҳудудида жойлашган бу спорт мажмуини маҳалламиз аҳолиси ҳашар йўли билан барпо этган. Энди маҳалламиз болалари мириқиб футбол, волейбол, баскетбол ўйнашяпти, спортнинг бошқа турлари билан шуғулланишмоқда. Маҳалла қўмитамиз энг намунали ва иқтидорли ёшлар учун ҳар ойда 20 минг сўмдан иккита рағбатлантирувчи мукофот таъсис этган. Нима қилаётган бўлсак, фарзандларимиз келажаги учун қилаяпмиз. Бугунги болаларимиз илиги тўқ, бақувват бўлиб улғайса, эрта улар албатта юрт корига ярайди.

Нозигул АЛМАТОВА, Республика Олимпия ўринбосарлари коллежи бадиий гимнастика бўлими талабаси, XIV Осиё ўйинлари қатнашчиси, (Андижон вилоятидан):

— Биз ёшларга яратилаётган шароитдан жуда хурсандман. Албатта, бунга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан. Мен дастлаб Андижон шаҳрида шуғулланганман. У ерда бадиий гимнастикага эътибор яхши эмас эди. Спорт заллари таъмирталаб, ёзда иссиқ, қишда совуқ. Ускуна ва анжомлар эски. Шуғулланишга келаётганлар шароит ёмонлигидан кўп ўтмай машғулотларни ташлаб кетишга мажбур эдилар. Тошкентга келиб, коллежга ўқишга киргач, бу ердаги шарт-шароитларга ҳавасим келди: Қачон Андижонда ҳам шундай бўларкан, деб орзу қилдим. Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси Қароридан сўнг Андижонда ҳам бадиий гимнастикага эътибор ошади, деб ўйлайман...

Феруза ХЎЖАЕВА, Республика Олимпия ўринбосарлари коллежи бадиий гимнастика бўлими талабаси, XIV Осиё ўйинлари қатнашчиси, (Фарғона вилоятидан):

— Дугонамнинг гапларига қўшиламан. Вилоятларда бадиий гимнастикага Тошкентдагидек эътибор йўқ. Малакали мураббийлар етишмайди. Шарт-шароитлар мақтагулик эмас. Ҳозир у ерда ишлаётган мутахассислар спорт анжомлар охирги марта қачон олинганлигини ҳам эслай олишмаса керак. Агар спортнинг бу турига муносабат ўзгарса, машғулотларга қатнайдиганлар сони ошган, ўзбек қизлари соғлом ва кўркам бўлиб вояга етишган бўларди.

Отабек ҚОСИМОВ, каратэ бўйича XIV Осиё ўйинлари кумуш медали соҳиби, ЎзДЖТИ талабаси:

— Қишлоқдаги кўплаб тенгдошларимиз чемпион ва совриндорларга ҳавас қилишади. Аммо яхши мутахассис ва таниқли спортчиларнинг кўпчилиги шаҳарда яшашади. Менимча, қишлоқлардаги ёшларга алоҳида аҳамият бериш керак, деб ўйлайман. Улар орасида иқтидорлилари жуда кўп. Аммо, улар билан ишлайдиган мураббийлар етишмайди.

Клара ШОКИРЖОНОВА, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий бошқаруви қошидаги Республика ихтисослаштирилган олимпия ўринбосарлари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори:

— Ривожланган давлатлардаги корхоналар ҳар томонлама соғлом кишиларни ишга қабул қилади. Ўз-ўзидан аёнки, соғлом ишчининг иш унумдорлиги ҳам юқори бўлади. Жамиятимиз бозор иқтисодиёти шароитига ўтаётган бир пайтда бизда ҳам фақат шу йўлдан борилади. Шундай экан, фарзандларимиз саломатлиги ҳақида қайғуриш бугун — давр талаби.

Болалар спортидаги муаммолар эса кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Маҳаллаларимизда спорт мажмуаларининг етишмаслиги кундек равшан. Айрим мактабларда ўқувчиларнинг жисмоний тарбия дарсларига махсус кийимсиз бораётганлиги, юртимизда спорт либослари ва анжомларига эҳтиёж ниҳоятда катта эканлиги бор гап. Бу эса мамлакатимизда пишиқпухта, арзон кийим-кечак, анжомлар ишлаб чиқарувчи спорт саноатини шакллантириш вақти келганлигини билдирмасмикин?! Фармон ва қарор чиқди, энди барча муаммолар ҳал бўлади, дегани эмас. Уни изчиллик билан амалга ошириш ҳам керак. Шундагина у мамлакатимиз соғлом авлоди камолига хизмат қилади.

Шундагина, соғлом юртнинг фарзандлари ҳам соғлом бўлади. Фарзандлари соғлом юрт эса Юртбошимиз айтганларидек, қудратли бўлади.

■ **Эркин ХОЛБОБО тайёрлади.**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi Qo'chqor NORQOBIL
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1068
10476 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 24-00
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Муҳтарам Юртдошлар!

Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан бири

ХАЛҚ БАНКИ

жорий йилнинг 20 ноябридан эътиборан жойлаштириш муддати 60 кун бўлган, йиллик 30 фоиз миқдорида даромад тўланадиган *«Ассалом, янги йил»* — ютуқли байрам омонат турини

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Сиз юқори фоизли даромад олиш билан биргаликда **10 000 сўмдан 1 000 000 сўмгача** бўлган пул ютуқлари совриндорларидан бири бўлиш

ИМКОНИЯТИГА ҲАМ ЭГАСИЗ!

Омонатга пул маблағлари 2002 йилнинг 31 декабрига қадар банкнинг барча бўлим ва шаҳобчалари орқали қабул қилинади.

ЮТУҚ ЭГАЛАРИ

2003 йил январь ойининг биринчи ярмида аниқланади.

ШОШИЛИНГ!!!

янги йил туҳфасидан баҳраманд бўлинг!

Халқ банки — аҳоли омонатларининг сақланиши давлат томонидан кафолатланган ягона банкдир!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2002 ЙИЛ 20.27 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Савдога Тошкент шаҳри, Миробод тумани, С.Азимова кўчаси, 87-уйда жойлашган Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг давлат рақами 05-18 ТНА, **бошланғич баҳоси — 377 622 сўм** бўлган «УАЗ-452» русумли автотранспорт воситаси қўйилади.

Савдоларда қатнашиш учун аризалар савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Савдолар соат 10.00 да бошланади.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИДА

ўтган ҳафтада 3 та биржа савдоси бўлиб ўтди. Ушбу савдоларда жами 173 795 000 сўмлик кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари сотилди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

АО «Азык-аукат товарлары»

АО «Азык-аукат товарлары» сообщает, что на биржевые торги (г.Нукус, ул. А.Тимура, 112а, 4 этаж, телефоны: 222-02-71, 222-02-72) выставлены для свободной продажи акции госпакета 25% — 3692 шт., размещенные в акционерном обществе «Азык-аукат товарлары». Основной профиль нашего акционерного общества — торговля. Реализуем продовольственные и промышленные товары в городе Нукусе. Ежегодно выполняется установленные задание по товарообороту, работет рентабельно, выплачивает дивиденты.

За 2001 год размер дивидентов составил 36% номинальной стоимости акции. Предлагаем иностранным инвесторам, юридическим частным лицам покупать наши акции.

Правление АО «Азык-аукат товарлары»
Тел. для справок: 224-01-31, 222-65-36.